
Имконияти чекланган болажонларга меҳр кўрсатилди

Қува туманидаги 9-умумий ўрта таълим мактабида туман Ногиронлар жамияти, мактабгача таълим ва мактаб таълими бўлими, “Қизил ярим ой” жамияти туман Кенгаши ҳамкорлигида имконияти чекланган болажонлар учун “1 июн – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни” муносабати билан “Бу кун энг яхши кун” шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбир давомида болажонлар иштирокида турли ҳил кўрик танлов ва беллашувлар бўлиб ўтди. Улар учун ташкил этилган байрам дастурҳони давомида иқтидорли ўқувчилар томонидан янграган куй-қўшиқлар, ижро этилган рақс ва сахна кўринишлари йиғилганларга бирдек манзур бўлди.

Тадбир сўнгида болажонларга эсдалик совғалари топширилди

2023-05-27 21:10:57